

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.27.06.2017.К.01.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

СУЛТОНОВ МАРАТ МИРЗАЕВИЧ

**ЧИҚИНДИ ВА ТУТУНЛИ ГАЗЛАР ТАРКИБИ МОНИТОРИНГИ УЧУН
АВТОМАТЛАШГАН ТЕРМОКАТАЛИТИК УСУЛЛАРНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

02.00.02-Аналитик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of dissertation of doctor science (DSc)

Султонов Марат Мирзаевич

Чиқинди ва тутунли газлар таркиби мониторинги
учун автоматлашган термокаталитик
усулларни ишлаб чиқиш.....3

Султонов Марат Мирзаевич

Разработка автоматических термокаталитических
методов для мониторинга состава
выхлопных и дымовых газов.....30

Sultonov Marat Mirzayevich.

Development of automatic thermocatalytic methods
for monitoring the composition of exhaust and of flue
gases.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....56

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.К.01.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

СУЛТОНОВ МАРАТ МИРЗАЕВИЧ

**ЧИҚИНДИ ВА ТУТУНЛИ ГАЗЛАР ТАРКИБИ МОНИТОРИНГИ УЧУН
АВТОМАТЛАШГАН ТЕРМОКАТАЛИТИК УСУЛЛАРНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

02.00.02-Аналитик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/K4 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгаш веб-саҳифада (ik-kimyo.nuu.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий
маслаҳатчи:**

Абдурахманов Эргашбой
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий
оппонентлар:**

Сманова Зулайҳо Асаналиевна
кимё фанлари доктори, профессор
Шабилалов Азад Ахмедович
кимё фанлари доктори, профессор
Гуро Виталий Павлович
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё-технология институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 й «___» _____. соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси 4, Тел.: (99871)246-07-88, 277-12-24; факс: (99871) 246-53-21; 246-02-24; e-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси 4-уй, Тел.: (99871)246-07-88, 277-12-24; факс: (99871) 246-53-21; 246-02-24; e-mail:nauka@nuu.uz).

Диссертация автореферати 2019 й «___» _____ куни тарқатилди
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.Т.Шарипов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси к.ф.д., профессор.

Д.А.Гафурова,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.ф.д.

З. А. Сманова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к.ф.д., профессор.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари ҳисобланган кимё саноати, электроэнергетика ва халқ хўжалигининг барча жабҳаларини жадал ривожланиши натижасида келиб чиқадиган экологик муаммоларни ҳал этиш, айниқса атмосфера ҳавоси мониторингини олиб боришда селектив усуллар ва сезгир сенсорларни қўллаш эҳтиёжи кун сайин ортиб бормоқда. Шунинг учун дунё миқёсида технологик чиқинди ва тутун газлар таркибидан CO, O₂ ва углеводородларни аниқловчи, кичик ўлчамли, ишлаш ресурси катта, тезкор, юқори аниқликдаги газсезгир материаллар асосида сенсорлар ва анализаторлар ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эгадир.

Жаҳон миқёсида иқтисодиётнинг турли соҳалари, айниқса автотранспорт, энергетика, машинасозлик ва енгил саноатнинг ривожланишида атмосфера ҳавосининг экологик мониторинги учун ишончлилик даражаси юқори, экспресс, арзон газсезгир усулларни ишлаб чиқиш; газсезгир катализаторлар танлаш жараёнининг оптимал шароитларини топиш; замонавий аналитик кимёнинг муҳим муаммоси ҳисобланган CO ва углеводородларни атмосфера ҳавоси, технологик чиқинди ва тутун газлар таркибидан селектив аниқловчи сенсорлар ва автоматик анализаторларнинг янги авлодини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда автотранспорт ва янги турдаги кимёвий материаллар ишлаб чиқаришга, саноат корхоналари ҳамда турли конструкцияли печлар ва ички ёнув двигателлари чиқинди газлари таркибини назорат қилувчи импорт ўрнини босувчи газоанализаторлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида, муайян натижаларга, айниқса янгича ёндашувларга асосланган, юқори селектив газсезгир материаллар олишнинг илмий асосларини яратишга эришилди ва ички бозорни импорт ўрнини босувчи CO, O₂ ва углеводородларни селектив аниқловчи газоанализаторлар билан таъминлаш соҳасида тадқиқот ишлари амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш”¹ бўйича муҳим вазифалари белгилаб берилган. Бу борада республикаимизда кимё, экология ва саноатнинг турли соҳаларида кенг қўлланиладиган тутун ва чиқинди газлари таркибидаги углеводородлар, CO ва O₂ миқдорини даврий назорат қилувчи замонавий, ишончли, экспресс, селектив термокаталитик усулларни яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-2831 сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3983-сон, 2018 йил 12 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахслар мулкнинг кўриқлашни таъминлаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4060 сон ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотни республикада фан ва технология ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқотлар Республика фан ва технологиялари ривожланишининг VII. «Кимёвий технология ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Атмосфера ҳавоси, технологик чиқинди ва тутун газлар таркибидан СО ва углеводородни селектив аниқловчи термокаталитик сенсор ва автоматик анализаторларнинг янги авлодини яратишга қаратилган илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: The University of California (АҚШ), Kyoto University, Tokyo Institute of technology (Япония), Institute of New Catalytic Materials Science (Хитой); Department of Applied Physics, Chongqing University (КНР), University of Pittsburgh (АҚШ); Faculty of Engineering, Department of Chemical Engineering (Туркия); Faculty of Mikrobiology and Biotechnology Bangalore (Ҳиндистон); Hunter Institute of Institut (Германия), University of Bucharest (Руминия), Минск давлат университетида (Беларусия); Москва Давлат университети, Россия кимё-технология университети, Санкт-Петербург давлат технология институти, Томск политехника университети (Россия); Самарқанд давлат университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

СО ва углеводородни атмосфера ҳавоси таркибидан селектив аниқловчи анализатор яратишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги илмий натижалар олинган, жумладан: церий-цирконий оксиддан иборат қаттиқ эталондан фойдаланишга асосланган кичик ўлчамли кислород сенсори яратилган (The University of California АҚШ); автомобил чиқинди газлари таркибини назорати учун диффузия жараёнидан фойдаланишга асосланган потенциометрик сенсор ишлаб чиқилган (Kyoto University, Tokyo Institute of technology Япония); In_2O_3 нанокристаллари билан легирланган платина нигизида хона температурасида ишловчи юқори сезгир датчик яратилган (Department of Applied Physics, Chongqing University КНР); ишлаш принципи водород ва кислороднинг ўзаро реакциясига асосланган кислородни аниқловчи катализатор олинган (Faculty of Mikrobiology and Biotechnology Bangalore Ҳиндистон); газ аралашмалари таркибидан оксидловчи газларни аниқлашда кимёвий чўктириш ёки металларни чанглатиш орқали олинган церий оксиди асосидаги юпқа пленка ишлатилган резистив датчик ишлаб

²Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.fundamental-research.ru ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

чиқилган (Institute of New Catalytic Materials Science Хитой); захарли чиқинди газларни аниқлашнинг яримўтказгичли сенсорлари яратилган (Москва Давлат университети Россия).

Дунёда СО ва углеводородни атмосфера ҳавоси, технологик чиқинди ва тутун газлар таркибидан селектив аниқловчи сенсор ва автоматик анализаторларни яратиш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: СО, О₂ ва углеводородларни аниқловчи термокаталитик сенсор сезгир элименти учун юқори эффектив катализаторлар танлаш; сенсор сезгир элименти юзасида чиқинди ва тутунли газ компонентларини оксидланиши шароитларини муқобиллаштириш; саноат корхоналари технологик газлари таркибидан СО, О₂ ва углеводородларни эффектив назорати учун сезгир ва селектив сенсорлар яратиш; чиқинди ва тутун газлар таркибидан СО, О₂ ва углеводородларни ишончлилиги юқори ва экспресс аниқловчи арзон газоанализаторларнинг янги авлодини ишлаб чиқариш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз ва хориж олимлари томонидан амалга оширилган кўпгина илмий тадқиқот ишлари СО, О₂ ва углеводородларни аниқлашнинг электрохимий, оптик ва физик усулларига бағишланган.

Хусусан, хорижлик олимлар G. Neri, A. Bonavita, G. Micali, P. Jasinski, T. Suzuki, H. Anderson, G. Rizzo, S. Galvagno, M. Niederberger, N. Pinna, F. Van, H. Kerp, N. Murayama, W. Shin, I. Matsubara, Sh. Kanzaki, M. Wasberg, Q. Zhon, Y. Tang, E. C. Tehan, F. V. Bright, R. Cannas, S. Spichiger, R. Steiger, U. E. Spichiger-Keller, Y. Rharbi, A. Yekta, M. Winnikлар томонидан чиқинди ва тутун газларининг алоҳида компонентлари назорати учун оптик ва физик-химий усуллар қўлланилган. О.С. Арутюнов, Н.Л. Позен, Е.Н. Тихомеровлар томонидан эса аналитик лабораторияларда ишлатиладиган оптик ва газохроматографик анализ усуллари ишлаб чиқилган ва СО, О₂ ва углеводородларни экспресс таҳлил қилишга қўлланилган.

Республикамизда олиб борилган илмий изланишларда Т.Қ.Хамрақулов, Н.С.Зокиров, А.Насимовларнинг тадқиқотлари атроф-муҳит объектлари назорати учун усул ва сенсорлар яратишга бағишланган бўлиб, жумладан СО ва углеводородларнинг макроконцентрацияларини аниқлаш имконини берадиган ярим ўтказгичли газоанализаторлар ишлаб чиқилган. Технологик чиқинди ва тутун газлар таркибидаги СО, О₂ ва углеводородларни аниқлашнинг универсал, арзон, селектив таъсир қиладиган термокаталитик усулларини ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқот ишларида замонавий талабларга жавоб берадиган янги, юқори эффектив газоанализаторларни ишлаб чиқиш ва аналитик таҳлилларни такомиллаштириш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассаси илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-ФЗ-022 рақамли «Захарли ва портловчи газсимон саноат чиқиндиларининг гетероген-каталитик оксидланиш жараёни кинетикаси ва механизмини

ўрганиш» (2007-2011 йй) фундаментал; ИТД-12-07- рақамли «Кимёвий сенсорларнинг янги авлоди учун газсезгир органик-ноорганик наноматериаллар синтез қилишнинг физик-кимёвий асослари ва технологиясини яратиш» (2012-2014 йй.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади платина гуруҳи металлари ва металл оксидлари асосида атмосфера ҳавоси, транспорт, технологик жараёнлар чиқинди ва тутунли газлар таркиби мониторинги учун автоматлашган терموкаталитик усулларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

СО, О₂ ва углеводород буғларини аниқловчи терموкаталитик сенсор сезгир элементи учун юқори эффектив катализаторлар танлаш;

СО ва углеводородларни ҳаво кислороди билан ўзаро таъсирлашувини ўрганиш ва терموкаталитик сенсор сезгир элементи юзасида чиқинди, тутунли газ компонентларини оксидланиши шароитларини муқобиллаштириш;

стандарт газ аралашмаларини тайёрлаш усулларини ишлаб чиқиш, стандарт газлар ва буғ газларини олиш ва аттестация қилиш;

СО, О₂ ва углеводородларни аниқловчи селектив терموкаталитик сенсорларини тайёрлаш ва уларнинг метрологик тавсифларига турли омиллар таъсирини аниқлаш;

евростандарт талабларига жавоб берадиган, транспорт воситалари чиқинди газлари таркибидан СО, О₂ ва углеводородларни назорат учун импорт ўрнини босувчи газ анализатори ишлаб чиқиш;

СО, О₂ ва углеводородларни аниқловчи автоматик анализаторларнинг метрологик тавсифларига турли омиллар таъсирини аниқлаш ва уларнинг сезувчанлиги, селективлиги ва барқарорлигини ошириш;

ёпиқ экологик тизимлар атмосфера ҳавоси, транспорт, тутун ва технологик чиқинди газлари таркибидан СО, О₂ ва углеводородларни селектив мониторинги учун терموкаталитик усулларни ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган анализаторларни лаборатория синовларидан ўтказиш ва ишлаб чиқариш шароитларида қўллаш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб кимё, нефть кимёси корхоналари, газ ва бензин қуйиш шохобчаларини атмосфера ҳавоси ҳамда транспорт, технологик тутун ва чиқинди газлари, стандарт газ аралашмалари хизмат қилади.

Тадқиқотнинг предмети СО ва углеводородларни терموкаталитик сенсор катализатори иштирокида оксидланишини аниқлаш ҳамда СО, О₂ ва углеводородларни селектив термокаталитик сенсорларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот усуллари сифатида комплекс физикавий-кимёвий: хроматография, потенциометрик титрлаш, фотоколориметрия, шунингдек, микроскопик ва термокаталитик таҳлил усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёнувчи моддаларни табиатан турли каталитик тизимлар иштирокида оксидланиши ҳамда СО, О₂ ва углеводородларни селектив термокаталитик sensori учун каталитик тизимлар таркиби аниқланган;

СО ва углеводородларни аниқлашнинг селективлигини таъминлашнинг таркибида аралашма компонентларига нисбатан фаолликлари турлича бўлган

катализаторлар сақлаган термосезгир (ўлчов ва компенсацияловчи) элементлардан фойдаланишга асосланган усули яратилган;

илк бор тутун газлари таркибидан O_2 ни аниқлашнинг термокаталитик сенсор катализатори юзасида ёнувчан компонентни оксидлашга асосланган термокаталитик усули ишлаб чиқилган;

CO , O_2 ва углеводородларнинг термокаталитик сенсорини метрологик, эс-кплуатацион ва бошқа параметрларига турли омилларнинг таъсири аниқланган; чиқинди ва тутун газлари таркибидан ҳавони ортиқчалик коэффициентини (α) аниқлашнинг термокаталитик газ анализатор «ГА- O_2 »дан фойдаланишга асосланган экспресс усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

газ аралашмалари таркибидан CO , O_2 ва углеводородларни концентрациянинг кенг диапазонида селектив ва тезкор аниқловчи термокаталитик сенсорлари ва улар асосида газ анализаторлари ишлаб чиқилган;

селектив термокаталитик сенсорлар лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитларида синовдан ўтказилган.

газ аралашмалари таркибидан CO , O_2 ва углеводород буғларини селектив аниқловчи автоматик анализаторлари яратилган;

CO , O_2 ва углеводородларнинг ишлаб чиқилган автоматик газ анализаторлари асосида саноат корхоналари технологик газлари ва транспорт воситалари чиқинди газлари таркибини назорат қилиш учун кўчма асбоблар яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги умумқабул қилинган мезонлар асосида ўтказилган қиёсий таҳлил билан асосланган, олинган натижалар математик статистика усуллари билан қайта ишлаган ва газохроматографик, потенциометрик, фотоколориметрик, микроскопик ва бошқа замонавий тадқиқот усуллари билан таққосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти CO , O_2 ва углеводородлар термокаталитик сенсорни катализаторларида ёқилғи моддаларининг оксидланиши жараёнларини ҳамда CO ва углеводородларни аниқлашнинг селективлигини таъминлашнинг таркибида аралашма компонентларига нисбатан фаолликлари турлича бўлган катализаторлар сақлаган термосезгир (ўлчов ва компенсацияловчи) элементлардан фойдаланишга асосланган усулини ишлаб чиқиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган термокаталитик сенсорлардан фойдаланиб кўп компонентли технологик, тутун, чиқинди газлари ва атмосфера ҳавоси таркибидан CO , O_2 ва углеводородлар мониторинги усуллари ишлаб чиқишга хизмат қилади. Яратилган сенсорлар муҳим ижтимоий, экологик ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда кенг қўлланилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Саноат чиқинди ва тутунли газлар таркиби мониторинги учун автоматлашган термокаталитик усулларни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

углеводородларни автоматик аниқловчи термокаталитик газоанализатор «Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖда амалиётга жорий этилган («Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖнинг 2019 йил 25 январдаги 33/ГК-18-07-сон маълумотномаси). Натижада углеводородларни атмосфера ҳавоси ҳамда саноат чиқинди газлари таркибидан тезкор аниқлаш имконини берган;

СО ни автоматик аниқловчи термокаталитик газоанализатор «Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖда амалиётга жорий этилган («Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖнинг 2018 йил 7 июндаги 726/ГК-18-07-сон маълумотномаси). Натижада СО ни автоматик аниқловчи газоанализаторнинг янги авлодини реал шароитларда қўллаш имконини берган;

яратилган сенсорлардан Ф-7-06 рақамли «Азот ва фосфор таркибли бирикмаларни тез ёнувчан материаллар ёнишини секинлаштирувчи сифатида қўлланилишининг илмий асосларини тадқиқ қилиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳасида СО ва углеводородларни анализда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 2 апрелдаги 89-03-1216-сон маълумотномаси). Натижада энгил ёнувчан материалларнинг ёниш жараёнига азот ва фосфор таркибли антипиренларнинг таъсир механизмини кўрсатиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 7 та халқаро, 12 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 43 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 7 таси Республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Атмосфера ҳавоси, чиқинди ва тутун газлари таркибидан кислород, углерод оксиди ва углеводородларни, аниқлаш усуллари ва асбоблари» деб номланган биринчи бобида газли муҳитдан кислород, углерод (II) оксиди ва углеводородларни аниқлаш усуллари таҳлил қилинган. Чиқинди ва тутун

газлар таркибини аниқлашда қўлланиладиган газ анализаторларининг ишлаш принципи, уларнинг асосий тавсифлари, қўлайлик ва камчиликлари кўриб чиқилган. O_2 , CO ва углеводородларни атмосфера ҳавоси ва газларнинг мураккаб технологик аралашмалари таркибидан селектив мониторинги учун сенсор ва анализаторлар яратиш соҳасидаги чет эл ва республикамиз тадқиқотчиларининг ишлари таҳлил қилинган. Адабиётларда келтирилган ишларнинг таҳлили ушбу ишнинг мақсади, вазифаси ва тадқиқот объектини танлашга имкон яратди.

«Углерод (II) оксиди, углеводород буғлари (бензин, пропан-бутан аралашмаси, дизель ёқилғиси) ва кислороднинг селектив терموкаталитик сенсорларини тайёрлашнинг технологик жараёнини ишлаб чиқиш» деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида CO ва углеводородларнинг терموкаталитик сенсорлари учун катализаторлар тайёрлаш ва уларни синаш усуллари кўриб чиқилган.

Ўтказилган тажрибаларда ёнувчан газларни оксидлаш жараёнида фаоллиги юқори бўлган Pt, Pd металлари ҳамда Cd, Mo, Zn, Cu, Ni, Mn, Co металлларининг оксидлари ва уларнинг аралашмалари асосида катализаторлар тайёрланган. Катализаторлар ташувчини туз эритмалари билан шимдириш сўнгра ҳаво оқимида шу тузларнинг парчаланиш ҳароратида қуритиш ва парчалаш йўли билан олинган.

Конструктив жиҳатдан ишлаб чиқилган ТКС кўприк схемасига киритилган бир жуфт термосезгир элементлар ва бир жуфт резисторлардан иборат. Ўтказилган тажрибаларда термосезгир элементларни тайёрлаш учун энг муқобил ҳолат диаметри 0,01 мм га тенг бўлган, шиша билан қопланган платина микросимидан фойдаланиш эканлиги аниқланди. Бунда шиша билан қопланган платина микросимидан тайёрланган ички диаметри 0,3 ммга тенг бўлган спиралнинг ўрамалари сони 10-12 тани ташкил этади. CO ва углеводородлар концентрациясини назорат қилувчи ТКСнинг ишлаш принципи аниқланувчи компонентни сенсор термосезгир элементи катализатори юзасида ҳаво кислороди билан оксидланиш жараёнида ажралиб чиқадиган иссиқлик микдорини аниқлашга асосланган. Бунда аналитик сигнал сифатида текшириладиган аралашма таркибидаги аниқланувчи компонент концентрациясига пропорционал ҳосил бўладиган ток кучланиши қийматидан фойдаланилади.

ТКСнинг сезувчанлиги ва барқарорлигидан ташқари, муҳим тавсифларидан бири бўлиб, унинг селективлиги ҳисобланади. Ишда ТКС нинг газ аралашмалари компонентларга нисбатан турлича фаолликга эга бўлган катализаторли газсезгир элементлардан фойдаланишга асосланган H_2 иштирокида CO аниқлаш жараёни селективлигини таъминлаш усули ишлаб чиқилган. Бунда биринчи элементнинг сигнали CO ва H_2 нинг концентрациясига мутаносиб бўлиб, иккинчи элементнинг сигнали эса фақат CO нинг концентрациясига мутаносибдир. Натижада биринчи ва иккинчи элементлар сигналлари айирмаси аниқланаётган компонент CO концентрациясига мутаносиб бўлади.

Газ аралашмаларини (ГА) тайёрлаш методикаси ишлаб чиқилган ва O₂, CO, H₂, CH₄ нинг кенг концентрация диапазолидаги ҳаво билан аралашмалари олинган. Компонентларнинг газ аралашмалари таркибидаги миқдорини аниқлаш натижалари 1-жадвалда келтирилган. Ишда фойдаланилган намунанинг микроконцентрациялари “Аналитприбор” КНПО да ишлаб чиқилган газ аралашмалари генератори (623 ГР-03) ва тоза ҳаво генератори (925 ГЧ-02) ёрдамида тайёр газ аралашмаларини суялтириш орқали олинди.

1-жадвал.


Газларни ҳаво билан аралашмаларининг аттестацияси натижалари (n=5, P=0,95)

ГА таркиби	СО ни ГА таркибидаги миқдори ($\bar{x} \pm \Delta x$), ҳаж.%	S	Sr*10 ²
СО+ҳаво	0,69+0,25	0,021	2,8
СО+ҳаво	13,40+0,106	0,088	0,7
O ₂ + азот	9,91+0,115	0,096	1,1
O ₂ + азот	21,9+0,251	0,209	1,2
H ₂ +ҳаво	1,35+0,037	0,031	2,3
H ₂ +ҳаво	5,56+0,074	0,062	1,1
CH ₄ +ҳаво	1,08+0,25	0,021	1,9
CH ₄ +ҳаво	7,18+0,062	0,052	0,7

Ишлаб чиқилган бензиннинг буғ-газ аралашмаларини (БГА) узлуксиз тайёрловчи динамик дозаторнинг иш принципи ташувчи-газ оқимида маълум массадаги суюқликнинг тўлиқ буғлатишга асосланган. Бу дозатордан фойдаланилган ҳолда суялтирилган газнинг 0,05 дан 3,05% гача; АИ-91 бензинни 0,03 дан 3,35 % гача; дизель ёқилғисини 0,04 дан 3,48 % гача бўлган концентрация диапазолидаги буғ-газ аралашмалари олинган. Ишлаб чиқилган дозатор фойдаланиш учун қулай ва оддий, нефть маҳсулотларининг стандарт буғ-газ аралашмаларини олиш учун ишлатилиши мумкин.

«Углерод (II) оксиди ва углеводородларни (бензин, дизель ёқилғиси ва пропан-бутан аралашмасини) термокаталитик сенсори учун катализаторлар ишлаб чиқиш» деб номланган диссертациянинг учинчи бобида ёқилғи моддаларнинг оксидланиш қонуниятлари ва ТКС сезувчанлигига турли факторларнинг таъсири ўрганилган. Тажрибалар температуранинг 200-450 °С оралиғида олиб борилди. СО ва углеводородларни оксидланишини тажриба ҳарорати ва катализатор таркибига боғлиқлиги 1-А ва 1-Б расмларда кўрсатилган. 1-А расмдан барча тадқиқ этилган катализаторларда (кадмий оксиддан ташқари) 150 °С да СО нинг оксидланиши кузатилади. Булардан катализатор сифатида СО нинг оксидланиш жараёнида энг фаоллари СоО, МnО₂ ва NiO, ўртача фаолликка эга бўлгани CuO ва ZnO, энг кам фаолликка эга бўлгани кадмий оксиди. Ўтказилган тажрибаларда СО ни оксидлаш жараёни учун металл оксидларининг фаоллиги қуйидаги кетма-кетликда: СоО>МnО₂>NiO>CuO>ZnO>CdO ортиб бориши кузатилди. Металл оксидларини бензин буғларини оксидлаш жараёнидаги каталитик фаоллигини ортиб бориши, уларни СО ни оксидлаш жараёнидаги кетма-кетлигига ўхшаш

(1-Б расм). Фақат металл оксидлари асосида тайёрланган катализаторлардан фойдаланиб ишлаб чиқилган ТКСларнинг ишлаш ресурси чиқинди газлари таркиби назоратида турли каталитик заҳарлар таъсирида чекланган. Бундай каталитик заҳарларга нисбатан юқори чидамликни Pt ёки Pd металлари асосида тайёрланган катализаторлар намоён этади. Шунинг учун СО ва углеводородларнинг ТКС лари учун катализатор сифатида Pd ва Pt металлари ва металл оксидларидан иборат аралашмалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.



1-расм. Углерод оксиди (II) ва бензин буғларининг оксидланишини тажриба температураси ва катализатор таркибига боғлиқлиги (газ оқими тезлиги 10 л/соат; C_{CO} -2,0 ҳаж.%, $C_{Aи-92}$ - 0,25 ҳаж.%; 1-CdO, 2-MoO₃, 3-ZnO, 4-CuO, 5-NiO, 6-MnO₂, 7-CoO

СО ни оксидланиши жараёнидаги Pd ва металл оксидларидан иборат катализаторларнинг фаоллиги ва селективлигини текшириш бўйича тадқиқотлар H₂ ва углеводородлар иштирокида амалга оширилди. Тажрибалар 100-350 °C ҳарорат оралиғида олиб борилди. Тажрибаларда таркибида (ҳаж.%): CO-3,0; CO₂-8,0; N₂-70,5; NO₂-0,2; SO₂-0,3; H₂O-5,5; CH₄-3,5 ва H₂-1,5 бўлган тутун ва чиқинди газлар таркибига мос келувчи газ аралашмаларидан фойдаланилди. СО ва H₂ нинг оксидланиш жараёнида катализатор фаоллигининг тажриба ҳароратига боғлиқлиги ўрганилган. 200 °C ҳароратда Pd-CdO/Al₂O₃ иштирокида H₂ тўлиқ (100%) оксидланади, СО эса деярли оксидланмайди (жадв.2). Демак термосезгир элементларида турлича фаолликга эга бўлган катализаторлар сақлаган СО ни аниқловчи ТКС ишлаб чиқишда таққослаш (биринчи) термосезгир элементи катализатори сифатида Pd-CdO/Al₂O₃ ни қўллаш мумкин. Ишчи термосезгир элемент катализатори сифатида 200 °C да H₂ ва СО ни 100 % оксидланишини таъминловчи Pd-NiO/Al₂O₃ таркибли катализаторни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Ишлаб чиқилган сенсорда биринчи сезгир элементнинг сигнали H₂ концентрациясига мутаносиб бўлиб, иккинчи сезгир элементнинг сигнали эса аралашмадаги H₂ ва СOnинг концентрациясига мутаносиб бўлади. Натижада биринчи ва иккинчи сезгир элементлар сигналларининг фарқи текшириладиган

намунадаги СО концентрациясига мос келади. Махсус тажрибалар натижасида танланган шароитларда (200 °С ва газ аралашмаси тезлиги 10 л/соат) иккала катализатор иштирокида ҳам углеводородлар ҳаво кислороди билан амалда ўзаро таъсирлашмаслиги аниқланди. Ишлаб чиқилган катализаторлар (Pd-CdO/Al₂O₃; Pd-NiO/Al₂O₃) СО ва Н₂ оксидланиши бўйича ўтказилган 1500 соатлик узлуксиз тажрибалар давомида ўзининг бошланғич фаоллигини сақлаб қолди.

2-жадвал

СО, Н₂ ва бензин буғларини оксидланиш жараёнидаги катализаторларнинг турли ҳароратларда фаоллиги (ҳаж. %: СН₄-4,0; АИ-91-0,25; Ссо-3,5).

Тажриба ҳарорати, °С	Компонентни оксидланиши, %																	
	Pd-CdO/Al ₂ O ₃			Pd-NiO /Al ₂ O ₃			Pd-MnO ₂ /Al ₂ O ₃			Pd-ZnO /Al ₂ O ₃			Pd-CuO /Al ₂ O ₃			Pd-CoO/Al ₂ O ₃		
	H ₂	CO	АИ91	H ₂	CO	АИ91	H ₂	CO	АИ91	H ₂	CO	АИ91	H ₂	CO	АИ91	H ₂	CO	АИ91
100	34	-	-	65	60		100	30	3	42	23	4	100	43	6	99	70	16
150	87	-	-	100	91	2	100	45	14	81	44	12	100	76	16	100	95	24
200	100	-	-	100	100	8	100	78	38	100	89	29	100	100	26	100	100	38
250	100	2	-	100	100	17	100	93	56	100	100	35	100	100	37	100	100	56
300	100	33	2	100	100	22	100	100	80	100	100	40	100	100	43	100	100	80
350	100	97	9	100	100	32	100	100	92	100	100	60	100	100	52	100	100	94

Углеводородларни аниқловчи ТКСлар учун катализаторлар танлашда қуйидаги системаларни каталитик тавсифлари ўрганилди: Pt/Al₂O₃, Pd /Al₂O₃, Pt - MnO₂ /Al₂O₃, Pt -CoO/Al₂O₃, Pt- CoO- MnO₂/Al₂O₃, Pt- CoO- NiO /Al₂O₃, Pt- CoO- NiO-MnO₂/Al₂O₃. Катализаторларнинг углеводородни ҳаво кислороди билан оксидлаш жараёнидаги фаоллиги ва барқарорлигини ўрганиш бўйича тажрибалар ҳароратнинг 150-450 °С оралиғида олиб борилди. Тажрибалардан тадқиқ қилинган катализатор иштирокида бензин буғларини тўлиқ оксидланишини таъминлайдиган ҳароратни қуйидаги қийматлари аниқланди: Pt/Al₂O₃-250⁰С; Pt-CoO-MnO₂/Al₂O₃-300⁰С; Pt-CoO/Al₂O₃-350⁰С; Pd/Al₂O₃-350⁰С; Pt-NiO-MnO₂/Al₂O₃-400⁰С; Pt-MnO₂/Al₂O₃-400⁰С; Pt- NiO-CoO-/Al₂O₃ - 450⁰С; Pt-NiO/Al₂O₃-450⁰С ва ундан баланд. Pt-NiO/Al₂O₃ иштирокида танланган шароитларда СО₂ кам миқдорда ҳосил бўлиши бу катализатор иштирокида углеводородни кам оксидланишидан дарак беради. Юқори эффектив термокаталитик сенсорлар учун фаоллиги ва барқарорлиги юқори бўлган селектив катализаторлардан фойдаланиш талаб қилинади.

3-жадвал

Бензин буғларини оксидланишда катализатор барқарорлигини ўрганиш натижалари (ҳарорат 325 °С газ аралашмаларини узатиш тезлиги 10 м/с).

Тажриба да- вомийлиги, соат.	Компонентни оксидланиши, %.								
	Pt/Al ₂ O ₃	Pd/Al ₂ O ₃	Pt-MnO ₂ /Al ₂ O ₃	Pt-NiO/Al ₂ O ₃	Pt-CoO/Al ₂ O ₃	Pt-NiO-MnO ₂	Pt-CoO-MnO ₂	Pt-CoO-NiO	
24	100,0	92,5	78,5	66,0	99,5	79,5	100,0	67,5	
240	100,0	87,0	78,0	65,0	99,0	78,0	99,5	67,5	
480	100,0	88,5	77,5	66,0	99,5	79,0	99,0	66,5	
960	100,0	88,5	76,5	66,0	100,0	79,0	99,5	61,0	

1250	100,0	78,0	71,0	63,0	99,5	63,0	100,0	31,0
1500	100,0	12,0	2,0	-	88,0	21,5	100,0	-

Бензин буғларининг оксидланиш жараёнидаги энг фаол катализаторларнинг барқарорлигини ўрганиш натижалари 3-жадвалда келтирилган. Олинган натижалар тадқиқ қилинган шароитда Pt/Al₂O₃, Pt-CoO/Al₂O₃, Pt-CoO-MnO₂/Al₂O₃ таркибли катализаторлар энг юқори фаоллик ва барқарорликни намоён этишини кўрсатди.

Ушбу катализаторлар иштирокида бензин буғларининг 99,5-100,0 %-лик юқори оксидланиш даражаси ҳароратни 325 °С қийматига мос келади. Мазкур катализаторлар 1500 соатлик узлуксиз тажрибалар давомида ўзининг бошланғич фаоллигини сақлаб қолди.

Углеводородларнинг оксидланиш жараёнидаги барқарорлиги бўйича ўрганилган катализаторларни куйидаги кетма-кетликда жойлаштириш мумкин: Pt/Al₂O₃>Pt-CoO-MnO₂/Al₂O₃>Pt-CoO/Al₂O₃>Pd/Al₂O₃>Pt-NiO-MnO₂/Al₂O₃> Pt-MnO₂/Al₂O₃>Pt-CoO-NiO/Al₂O₃>Pt-NiO/Al₂O₃.

Бензин буғларининг оксидланиш жараёнида каталитик системалар фаоллигини ўрганиш натижалари углеводородларнинг ТКС учун катализатор сифатида Pt/Al₂O₃ ва Pt-CoO-MnO₂/Al₂O₃ дан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди. Шу сабабли барча кейинги тажрибалар Pt/Al₂O₃ ва Pt-CoO-MnO₂/Al₂O₃ иштирокида ўтказилди. Ўрганилган концентрация (10-99%) оралиғида аралашмадаги кислород миқдори бензин буғларининг оксидланишига сезиларли таъсир этмайди. Pt-CoO-MnO₂/Al₂O₃ иштирокида бензиннинг тўлиқ оксидланиши унинг аралашмадаги концентрациясининг 500-1500 млн⁻¹ оралиғида таъминланади. Ҳароратнинг 375-400 °С оралиғида Pt/Al₂O₃, Pt-CoO/Al₂O₃ ва Pt-CoO-MnO₂/Al₂O₃ таркибли катализаторлар иштирокида углеводород буғларининг тўлиқ оксидланиши кузатилади. Танланган катализаторларда углеводороднинг оксидланишини қиёслаш Pt-CoO-MnO₂/Al₂O₃ таркибли катализаторни афзаллигини кўрсатди, чунки ушбу катализатор иштирокида бензин буғларининг тўлиқ оксидланиши ҳароратнинг 300 °С қийматига мос келади. Шу сабабли кейинги тадқиқотларда бензин буғларини аниқловчи ТКС ишчи термосезгир элементи катализатори сифатида Pt-CoO-MnO₂/Al₂O₃ қўлланилди. Селектив ТКС нинг таққослаш элементи катализатори сифатида Pt-NiO/Al₂O₃ ни қўллаш мумкин. Углеводородлар иштирокида мазкур катализатор юзасида Н₂ ва СО ни тўлиқ (100%) оксидланиши таъминланади.

Углеводородларнинг селектив ТКСининг ишчи ва таққослаш термосезгир элементлари учун юқори самарали катализаторлар ва оксидланиш жараёнининг муқобил шароитлари танланди. Углеводород концентрациясининг 500-1500 млн⁻¹ диапазонидаги оксидланиш жараёнининг муқобил кўрсаткичлари ҳароратнинг 275-350 °С, катализатор юзасига юбориладиган газ оқими тезлигининг 15 л/соат қийматига мос келиши аниқланди.

Ўтказилган тажрибаларда СО ни ТКС катализатори юзасида оксидланиш жараёни кинетик қонуниятлари ва механизми текширилди. Pd-NiO/Al₂O₃ таркибли катализатор иштирокида СО нинг оксидланишига бошланғич газ оқими тезлигининг таъсири оқим тезлигининг 0,25-2,00 см/с диапазонида

ўрганилди. Тадқиқотлар ҳароратнинг 50-75⁰С оралиғида олиб борилди. Тажрибаларда ҳароратнинг ўрганилган диапазонида газ оқими тезлигининг 0,25 дан 1,00 см/с гача ортиши билан СО нинг оксидланишини ортиши кузатилди. Газ оқими тезлигининг кейинги 2,0 см/с гача ортиши СО нинг оксидланишига таъсир кўрсатмайди. Демак газ оқими тезлигининг 0,25-1,0 см/с интервалида СО ни оксидланиши диффузион областда боради. Газ оқими тезлигининг 1,0 см/с ва ундан юқори қийматларида ташқи диффузион тормозланиш кузатилмайди.

Катализатор донаси ўлчамининг СО ни карбонат ангидридига айланиш тезлигига таъсири гранулаларнинг 0,1-0,5 мм дан 1,0-1,5мм гача бўлган оралиғида текширилди. Ушбу тажрибалар 75 ⁰С ҳароратда, СОнинг парциал босими 0,02 атм, кислородники 0,20 атм, (қолгани азот) ва газ оқими тезлигининг 1,00 см/с га тенг қийматларида олиб борилди. Олинган натижалар катализатор ўлчамининг 0,1-0,5 дан 1,0-1,5 мм гача ўзгариши СО нинг оксидланиш даражасига сезиларли таъсир этмаслигини кўрсатди (жадвал 4). Ўтказилган тажрибалар газ оқими тезлигининг 1,0 см/с дан юқори қийматларида ва катализатор доналари ўлчамининг 0,1 дан 1,5 мм гача бўлган диапазонида, СО ни Pd-NiO/Al₂O₃ таркибли катализатор иштирокида оксидланиши кинетик соҳада боришини тасдиқлайди.

4-жадвал

Катализатор донаси ўлчамининг СО ни СО₂ га айланиш тезлигига таъсири
(P_{СО} = 0,02 атм, P_{УМУМ} = 1 атм)

т/р	Катализатор донаси ўлчами, мм	СО ни СО ₂ га айланиш даражаси (x±Δx), %
1	0,1-0,5	67,7± 0,5
2	0,5-1,0	68,0± 0,5
3	1,0-1,5	67,0± 0,5

Бошланғич моддалар парциал босимининг СО ни Pd-NiO/Al₂O₃ таркибли катализатор иштирокида оксидланиш жараёни кинетикасига таъсири, реакцияни кинетик соҳада боришини таъминловчи шароитларда ўрганилди.

Тажрибалар 50-75 ⁰С да, кислороднинг парциал босими 0,2 атм. ва СО нинг юбориш тезлигини 2,0 моль/кг кат.соат қийматларида ўтказилди. СО нинг парциал босими 0,01-0,04 атм. оралиғида ўзгартирилди. Ҳароратнинг ўрганилган диапазонида СО ни парциал босимини 0,01атм. дан 0,04 атм. гача ортиши унинг кислород билан оксидланишини камайишига олиб келади. Олинган натижалар СО нинг оксидланишига унинг парциал босимини таъсирини янада кенгрок диапазонда ўрганишни талаб этади. Ушбу тадқиқотлар газ оқими тезлигининг ўзгармас 2,0 моль/кг кат.соат қийматида ва ҳароратни 50-75 ⁰С интервалида олиб борилди. Тажрибаларда СО нинг парциал босими 0,001 атм. дан 0,010 атм. оралиғида ўзгартирилди. Тажриба натижалари 5- жадвалда келтирилган.

Келтирилган натижалардан СО ни СО₂ га айланиш даражасини унинг парциал босимига боғлиқлиги босимни 0,001 атм. дан 0,010 атм. оралиғида максимум орқали ўтишини кўрамиз. Ўрганилган шароитларда О₂ ни парциал


босимини ўзгариши СО ни сенсор сезгир элементи юзасида оксидланиш тезлигига таъсир кўрсатмайди. Карбонат ангидридини СО нинг оксидланишига таъсири 50 °С ҳароратда, газ оқими тезлигини 0,5-2,5 моль/кг кат. соат интервалида ва кислороднинг парциал босими 0,2 атм. га тенг қийматларида ўрганилди. Реакция зонасига карбонат ангидридининг (0,05 атм) киритилиши ўрганилган шароитларда СО ни сенсор сезгир элементи катализатори юзасида оксидланиш даражасини камайишига олиб келади.

5-жадвал

СО ни парциал босимини СО₂ га айланиш даражасига боғлиқлиги

т/р	СО ни парциал босими, атм	СО ни СО ₂ га айланиш даражаси, %	
		50 °С	75 °С
1	0,001	36,5	48,5
2	0,003	47,4	64,0
3	0,005	44,0	65,5
4	0,007	40,6	62,1
5	0,010	35,0	55,8

Тажрибалардан олинган натижалар ва адабиётларда келтирилган маълумотлар СО нинг термокаталитик сенсор катализатори юзасида ҳаво кислороди билан таъсирлашиб СО₂ ҳосил қилиш жараёни механизми бир неча босқичларда амалга ошишини кўрсатади. Ҳозирги кунда СО нинг кислород билан таъсирлашиш механизмига турлича қарашлар мавжуд. Улардан эҳтимоллиги юқори бўлгани - термокаталитик сенсор катализаторининг юзасига адсорбirlанган СО ва О₂ ўртасида борадиган реакция туфайли СО₂ ни ҳосил бўлиш механизмидир. Ушбу механизм буйича СО₂ ни СО ва О₂ дан ҳосил бўлиши қуйидаги босқичларни ўз ичига олиши мумкин:



Бу ерда: () – металл оксиди юзасидаги фаол марказлар. Схема реагентларни катализатор юзасида адсорбцияси, уларнинг бу юзада таъсирлашуви ва реакция маҳсулотларини десорбциясини ифодалайди. Таъкидлаш жоизки, СО₂ етарлича даражада СО ни оксидланиш тезлигини пасайтиради. Шу муносабат билан тахмин қилиш мумкинки, СО ни оксидланиш кинетикаси танланган катализатор иштирокида қуйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$W = k K_{\text{CO}} P_{\text{CO}} / (1 + K_{\text{CO}} P_{\text{CO}} + K_{\text{CO}_2} P_{\text{CO}_2})^n$$

Бу ерда: $n > 1$, k – реакция тезлиги константаси; $K_{\text{CO}} P_{\text{CO}}$ – СО нинг адсорбцион коэффиценти ва парциал босими; $K_{\text{CO}_2} P_{\text{CO}_2}$ – СО₂ адсорбцион коэффиценти ва парциал босими;

«Чиқинди ва тутун газлар таркибидан углерод (II) оксиди ва углеводород бугларини назорати учун селектив термокаталитик сенсорлар ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобда ТКС ларнинг метрологик тавсифи ўрганилган ва газ аралашмалари таркибидан СО ва углеводородларни аниқлашнинг муқобил шароитлари аниқланган.

Аниқланган катализаторлар ва муқобил шароитлардан фойдаланиб СО ни аниқловчи термокаталитик сенсор (ТКС-СО) ишлаб чиқилди. Синовлар чиқинди, тутун ва технологик газлар таркибидаги СО миқдорини назорат қилишда қўлланиладиган ТКС-СО намуналарида ўтказилди. Сенсорларни синовдан ўтказиш дастурига унинг динамик ва градуировка тавсифи ҳамда селективлиги ва барқарорлигини аниқлаши билан боғлиқ бўлган махсус тажрибалар киритилди. Тажрибалар одатий ва эксплуатацион режимда газларнинг стандарт аралашмаларида олиб борилди. Сенсор сигналини унга бериладиган ток кучланиши қийматига боғлиқлигини ўрганиш натижалари б- жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Сенсор сигналини унга бериладиган ток кучланишига боғлиқлиги
($C_{CO}=2,5$ ҳаж.%, $n=5$, $P=0,95$)

Ток кучланиши, В	Сенсор сигнали, мВ		
	$x \pm \Delta x$	S	$Sr \cdot 10^2$
1,5	12,6±0,4	0,21	2,2
1,8	29,7±0,6	0,32	1,1
2,0	44,4±0,5	0,40	1,1
2,2	38,5±0,6	0,21	0,9
2,4	33,1±0,5	0,40	1,4
2,5	25,4±0,5	0,30	1,3

Сенсорнинг энг юқори сигнали (44,4мВ) унга бериладиган токнинг 2,0 В га тенг бўлган қийматида кузатилди. Шу сабабли барча кейинги тажрибалар кучланишнинг шу қийматида олиб борилди. ТКС динамик тавсифларини аниқлаш натижасига кўра ишлаб чиқилган сенсорлар сигналини бошланғич 10% қийматига эришиш вақти ($t_{0,1}$) 1-2 с, 65 % қийматига эришиш вақти ($t_{0,65}$)-5с, 90 % қийматига эришиш вақти ($t_{0,9}$) -7 секундга тенг келади ва ўлчашнинг тўлиқ вақти (t_n)-9с ни ташкил этади. Бу ишлаб чиқилган сенсорларни СО ни экспресс аниқланишда қўллаш имконини тасдиқлайди.

Сенсор сигналини концентрацияга боғлиқлиги СО ни аралашмадаги 0,1-10,0 ҳаж.% оралиғида ўрганилди. Концентрациянинг ўрганилган диапазонда ТКС–СО сигналнинг СО нинг аралашмадаги миқдорига боғлиқлиги тўғри чизиқли тавсифга эга (7-жадвал).

7-жадвал

ТКС-СО сигнал қийматини аралашмадаги СО қийматига боғлиқлиги
($n=5$; $P=0,95$)

т/р	СО нинг аналашмадаги концентрацияси, ҳаж. %	Сенсор сигнали, мВ		
		$x \pm \Delta x$	S	$Sr \cdot 10^2$
1	0,1	2,2±0,1	0,08	3,6
2	1,0	22,2±0,2	0,16	0,7
4	3,0	66,6±0,4	0,32	0,5
5	6,0	133,2±0,8	0,64	0,5
7	10,0	222,5±0,8	0,64	0,3

Сенсор сигнали барқарорлигини текшириш ТКСни 3000 соатлик узлуксиз тажриба жараёнида амалга оширилди ва текширилган вақт давомида сенсор сигналини барқарор сақланиши аниқланди. Сигналнинг 3000 соатлик тажриба оралиғидаги ўзгариши (Δt_g) 1,5% га тенг. Ишлаб чиқилган сенсорнинг СО ни аниқлаш жараёнидаги селективлиги аралашмадаги H_2 , бензин буғлари, CH_4 , H_2O ва CO_2 иштирокида текширилди (жадв. 8).

8-жадвал.

СО ни аниқлаш жараёнидаги ТКС-СО нинг селективлиги ($n = 5$; $P = 0,95$)

Аралашма таркиби, ҳаж.%.	СО нинг аниқланган миқдори ҳаж.%		
	$\bar{x} \pm \Delta x$	S	$Sr * 10^2$
СО(1,60)+ CH_4 (2,00)+ ҳаво (қолгани)	1,62±0,02	0,02	1,0
СО(1,60)+бенз(2,00)+ ҳаво (қолгани)	1,61±0,03	0,02	1,5
СО(1,60)+ H_2O (2,00)+ ҳаво (қолгани)	1,63±0,01	0,01	0,5
СО(1,60)+ CO_2 (2,00)+ ҳаво (қолгани)	1,62±0,02	0,02	1,0

Ишлаб чиқилган сенсор СО ини кўп компонентли газ-ҳаво аралашмалари таркибидан селектив аниқлашга имкон беради. Олиб борилган тадқиқотлар ишлаб чиқилган сенсор СО ни концентрациянинг кенг диапазонида тутун ва чиқинди газлар таркибидан узлуксиз селектив назорат қилиш имконини тасдиқлайди ва бундай сенсорни чиқинди газлар таркибидан СО ни узлуксиз аниқловчи автоматик газ анализаторлари таркибида ишлатиш мумкин.

Термокаталитик сенсорлар ва газ анализаторлар углеводород буғларини (хусусан бензин буғларини) назорат қилишда кенг қўлланилувчи ускуналар бўлиб ҳисобланади. Ушбу ишда ўтказилган тадқиқотлар асосида яратилган углеводородларни аниқловчи селектив термокаталитик сенсор (ТКС- C_nH_m) ишчи ва таққослаш термосезгир элементларидан иборат. Углеводородларнинг ҳаво кислороди билан оксидланиш жараёнида сенсорнинг таққослаш элементи катализаторининг фаоллиги ўлчов термосезгир элементи катализатори фаоллигига нисбатан паст бўлганлиги сабабли унинг юзасида фақат H_2 ва СО оксидланади. Шу сабабли ТКС- C_nH_m нинг ишчи термосезгир элементининг сигнали аралашмадаги H_2 , СО ва углеводородлар концентрациясига, таққослаш сезгир элементи сигнали эса H_2 ва СО концентрациясига мутаносиб бўлиб, ишчи ва таққослаш элементлари сигналлари фарқи аралашмадаги углеводородлар концентрациясига мос келади.

Тутун ва автотранспорт чиқинди газларининг асосий компонентлари H_2 , СО и углеводородлардан иборат бўлганлиги сабабли ТКС- C_nH_m нинг селективлигини таъминлаш бўйича тажрибалар H_2 ва СО иштирокида ўтказилди. Ўтказилган тадқиқотлар давомида углеводородларни селектив термокаталитик сенсорининг конструкцияси ва асосий кўрсаткичлари ишлаб чиқилганидан кейин унинг тажрибавий намуналари (ТКС- C_nH_m) тайёрланди. ТКС- C_nH_m нинг синов режаси ўз ичига тўлиқ ҳажмдаги назорат ва махсус синовларни қамраб олади. Сигнал қийматига сенсорга бериладиган кучланишнинг таъсири 1,5-3,5 В диапозонида текширилди. Тажрибалар бензин буғлари ва дизель ёқилғи концентрациясининг 2000 млн⁻¹ га тенг қийматларида олиб борилди. Тажриба натижаларидан ТКС- C_nH_m учун энг муқобил кучланиш

қиймати 3,0 В га мос келиши аниқланди. Кучланишнинг аниқланган муқобил қийматидан ортиши ёки пасайиши сигнални камайишига олиб келади.

Қўлланилиш соҳаларидан келиб чиқиб, ТКС-С_nН_m нинг динамик тафсифлари юқори кўрсаткичларга эга бўлиши талаб этилади. 9- жадвалдан ишлаб чиқилган сенсор ТКС-С_nН_m нинг сигналини максимал қийматига етишиш вақти 9-10 секундни ташкил этишини кўрамиз. Бу эса уни мураккаб аралашмалар таркибидан углеводородларни экспресс назоратида қўллашга имкон беради.

9-жадвал

Углеводородларни аниқловчи ТКС-С_nН_m нинг динамик кўрсаткичлари*

ПБА - 2,5 об. %.				АИ-92 1500 млн ⁻¹				Диз. ёқилғиси 2500 млн ⁻¹			
t _{0,1}	t _{0,65}	t _{0,9}	t _p	t _{0,1}	t _{0,65}	t _{0,9}	t _p	t _{0,1}	t _{0,65}	t _{0,9}	t _p
1	5	7	9	1	5	7	9	1	5	7	9
1	6	8	9	1	6	8	9	1	6	8	9
2	5	7	9	2	5	7	9	2	6	8	10

*(t_{0,1}) сигнални бошланғич 10% қийматига, (t_{0,65})- 65 % га, (t_{0,9}) 90 % га эришиш вақти, (t_n)- ўлчашнинг тўлиқ вақти.

10-жадвал

ТКС-С_nН_m сигналининг углеводород концентрациясига боғлиқлиги
(n=5; P=0,95)

C _{АИ-92} , мг/м ³	Сенсор сигнали, мВ		C _{диз.ёқил.} , мг/м ³	Сенсор сигнали, мВ	
	x±Δx	Sr10 ²		x±Δx	Sr10 ²
250	9,0±0,1	0,9	250	8,7±0,2	1,8
500	18,6±0,3	1,3	500	18,5±0,3	1,3
1000	36,0±0,2	0,4	1000	35,3±0,5	1,1
3000	108,5±1,0	0,7	3000	105,5±0,9	0,7
5000	180,2±1,7	0,8	5000	175,7±1,9	0,9

ТКС-С_nН_m нинг сигнал қийматини концентрацияга боғлиқлик тавсифини аниқлаш натижалари 10-жадвалда келтирилган.

Жадвалдан ўрганилган концентрация оралиғида сенсор сигналининг углеводород концентрациясига боғлиқлиги тўғри чизикли тавсифга эга эканлигини кўрамиз. ТКС-С_nН_m сигнали барқарорлигини ўзгариши 3000 соатлик узлуксиз тажрибалар давомида таркибида 3,0 ҳаж. % ПБА, 2500 млн⁻¹ бензин ва дизель ёқилғиси бўлган аралашмалар мисолида текширилди. Олинган натижалар ўтказилган тажрибалар давомида сенсор сигналини барқарор ҳолатда сақланиб қолишини кўрсатди. Чикинди газлар таркибида углеводороддан ташқари, бир қатор ёнадиган ва ёнмайдиган моддалар мавжуд. Газ аралашмаларида мавжуд бўлган ёнмайдиган компонентлар (Н₂О, СО₂ ва бошқалар) таъсири углеводородларни аниқлаш жараёнида уларнинг кимёвий хоссаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобга олинмайди. Шу сабабли ТКС-С_nН_m нинг селективлиги тутун ва чикинди газлари таркибида углеводородлар билан бирга мавжуд бўладиган СО ва Н₂ иштирокида аниқланди. Тажрибалар нормал шароитда таркибида 2000 млн⁻¹ бензин ва дизель ёқилғи буғлари ҳамда 2,80 ҳаж.% СО ва Н₂ бўлган стандарт аралашмаларда ўтказилди. Олинган

натижалар, ишлаб чиқилган сенсорлар СО ва Н₂ иштирокида газ аралашмаси таркибидан бензин ва дизель ёқилғиси буғларини селектив аниқлашини кўрсатди. Қўшимча компонентлар ҳисобига юзага келувчи сенсорнинг хатоси 1,5% дан ошмайди.

Концентрациянинг кенг диапазонида тутун, чиқинди ва технологик газлар таркибидан СО ва углеводородларни термокаталитик усулга асосланган селектив аниқлаш методикаси ва сенсорлари (ТКС-СО ва ТКС-С_n Н_m) ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган сенсорлар кичик ўлчамли, ишлатишда ва тайёрлашда оддий, экспреслиги юқори бўлган ҳолда ўзининг аниқлиги ва олинадиган натижаларининг такрорланувчанлиги билан мавжуд аналогларидан қолишмайди. Ушбу сенсорлар автоматик газ анализаторлари ва сигнализаторлари таркибида қўлланилиши мумкин.

Диссертациянинг «**Чиқинди ва тутун газлари таркибидан кислород миқдорини назорат қилувчи термокаталитик датчиклар ишлаб чиқиш**» деб номланган бешинчи бобда кислородни термокаталитик датчигини ишлаб чиқиш ва унинг метрологик тавсифини аниқлаш натижалари келтирилган. Таклиф этилган датчик текшириладиган газнинг ёнувчи модда буғлари билан аралашмасини тайёрлаш блоки ва ТКСдан иборат. ТКД-О₂ да ёнувчи модда сифатида изо-октандан (ёки этанолдан) фойдаланилади. Унинг ишлаш принципи реакцион камерада ёнувчи моддани аралашмадаги кислородга нисбатан ортиқчаллигини таъминлашга асосланган. Аралашмада мавжуд бўлган кислород ёнувчи модданинг термосезгир элемент катализатори юзасида оксидланишини таъминлайди. Натижада термосезгир элемент юзасидаги температура қиймати аралашмадаги кислород миқдори билан белгиланади. Ишлаб чиқилган ТКД-О₂ термосезгир элементининг катализатори сифатида 0,3% Pt/Al₂O₃ дан фойдаланилди. Тажрибаларда аралашмадаги О₂ концентрациясининг 0,1-20,0 ҳаж. % диапазонида изо-октаннинг оксидланиш жараёни стехиометрик тенгласига кўра углеводородни кислородга нисбатан ортиқча миқдорини таъминлаш учун реакцион камерага бериладиган температуранинг 25 °С га тенг қиймати етарли бўлиши аниқланди. ТКД-О₂ нинг кислородни 0,1-20,0 ҳаж.% концентрациясига мос келувчи сигнали 1,87 - 379,74 мВга тенг бўлиб, бу боғланиш ўрганилган диапазонда тўғри чизиқли тавсифга эга. Ёнувчи компонент сифатида этанолдан фойдаланилган ҳолатда ҳам худди шундай сигнални концентрацияга тўғри чизиқли боғланиши кузатилади. Демак, изо-октанни этанолга алмаштирилиши ТКД-О₂ сигналини кескин ўзгаришига сабаб бўлмайди. Изо-октанни этанолга алмаштирилиши ТКД-О₂ нинг ишлаш ресурсини оширилишига олиб келди. Бу ўз навбатида анализаторнинг ресурсини ҳам оширади. Сигнал қийматини сенсорга бериладиган ток кучланишига боғлиқлиги кучланишнинг 1,0-3,0 В оралиғида текширилди. Тажрибалардан 0,5 % Pt/Al₂O₃ таркибли катализатордан фойдаланиб тайёрланган сенсорнинг берилган ўзгармас концентрацияга мос келувчи максимал сигнал қиймати кучланишнинг 2,1 В га тўғри келиши аниқланди. О₂ концентрациясининг 0,1- 25,0 ҳаж. % диапазонида сенсор сигналининг концентрацияга боғлиқлиги тўғри чизиқли тавсифга эга. Тадқиқотларда берилган ўзгармас концентрацияга мос келувчи сенсор сигналини максимал

қийматигача ортиб бориш динамикаси аниқланди. Бунга кўра ТКС-О₂ сигналини бошланғич 10 % қийматига эришиш вақти ($t_{0,1}$) -6 с, 65 % қийматига эришиш вақти ($t_{0,65}$)-12с га, 90 % қийматига эришиш вақти ($t_{0,9}$) -19 с га тенг келади. Ўлчашнинг тўлиқ вақти (t_n) -24 секундга тенг. ТҚД-О₂ сигналининг барқарорлиги 5000 соатлик тажрибалар давомида аниқланди. Тажриба натижалари 11-жадвалда келтирилган.

11-жадвал

ТҚД-О₂ ни кислородни аниқлаш жараёнидаги барқарорлиги
($n=5, P=0,95; C_{O_2}=1,0$ хаж.%).

Вақт, соат	Сенсор сигнали ($\bar{x} \pm \Delta x$), мВ		
	№ 1	№ 2	№ 3
1	22,4±0,1	22,0±0,4	27,1±0,1
240	22,5±0,2	22,7±0,2	27,1±0,2
1000	22,5±0,2	22,5±0,3	27,2±0,2
3000	22,8±0,3	22,4±0,2	27,5±0,2
5000	21,9±0,3	22,6±0,2	27,0±0,4

Сенсорнинг сигнали бутун тажриба давомида ўзгармасдан сақланиб қолди. Сигнални белгиланган вақт давомида ўзгариши, унинг қийматини максимал четланиши кўйидаги тенглама билан аниқланди:

$$\Delta t_q = (U_{\max} - U_{\min}) * 100 / U_{\text{шк}} \quad (1)$$

Бунда Δt_q -сигнални белгиланган вақт чегарасида ўзгариши; U_{\max} ва U_{\min} -сигнални максимал ва минимал четланиши. $U_{\text{шк}}$ - асбобни шкаласи (КСП - 4 учун бу қиймат 0-50 мВ). Тажрибалардан белгиланган вақт диапазонида Δt_q нинг қиймати 2,2 % га тенг бўлди.

